

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги Андижон
давлат университети**
Ўзбекистонда демократик жамият ққриш назарияси ва амалиёти кафедраси
Геосиёсат АСОСЛАРИ фанидан

Реферат

МАВЗУ:

Ўрта синф тушунчаси ва унинг жамият хаётидаги роли.

ТАЙЁРЛАДИ: **Хорижий тиллар факультети 3 босқич талабаси Эргашева Нодира**

Андижон - 2016

Мавзу: Ўрта синф тушунчаси ва унинг жамият ҳаётидаги роли.

Режа:

1. Жамият ижтимоий тузилиши тушунчаси.
2. Стратификация (ижтимоий табакаланиш) назарияси ва синфлар вужудга келиши.
3. Ўрта синф ва унинг жамият ҳаётидаги роли.
4. Ўзбекистонда ижтимоий табакаланиш жараёни.

1. Жамият ижтимоий тузилиши тушунчаси.

Жамиятнинг ижтимоий тузилиши эр-хотин, оила, синфлар, этник, демографик гуруҳлардан тортиб стратификация (табакаланиш) жараёни ҳақидаги назария социологияда муҳим урин тутати. Жамиятнинг бу мураккаб таркибий қисмининг моҳиятини урганмасдан, тушунмасдан туриб одамлар узи яшаётган ижтимоий макондан муносиб урин ололмайди. Жамиятнинг ижтимоий тузилишининг доимий узгариши, ривожланиши, ҳам инсоният тарихининг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади. Жамиятнинг оддийдан мураккабга томон ҳаракати ижтимоий тузилишда ҳам уз ифодасини топа борди.

Демак, жамият ва унинг ижтимоий тузилиши узвий яхлит ижтимоий жараёндир.

Жамиятнинг ижтимоий тузилишининг қадимги шакли манзараси билан ҳозирги тизими уртасида табиий-тарихий боғланиш бор. Табиий, жисмоний хилма-хиллик ва тенгсизлик аста-секин ижтимоий ҳарактер олабошлади, пировард оқибатда ижтимоий тенгсизликка айлана борди.

Кишилиқ жамиятининг ҳамма бочкичларида кенг маънодаги тенгсизлик булган. Ижтимоий маънодаги эса тенгсизлик, жамият аъзоларининг мулкый жихатдан хилма-хил даражада табакаланганлигини англатади ёки билдиради. Ижтимоий табакаланиш одамларнинг турли гуруҳ, табака, катлам, синфларга булинганлигидир. Жамият ижтимоий жихатдан муайян иерархик (зинапоё), яъни паст-баланд даражадаги табака, катламлардан ташкил топгандир. Тарихда ижтимоий тенгсизликнинг хилма-хил шакллари, қуринишлари мавжуддир: қуллик, қастақчилик, сословия, синфлар.

Қулчилик тузуми бир неча асарларни уз ичига олиб, унинг сарқитлари, ҳатто қул савдоси яқин йилларгача мавжуд булганлиги (Осиё, Европа, Америка қитъасида), шу билан бирга қулчилик норасмий, номаъқул одат, институт сифатида асримизнинг бошларида тугатилганлиги тарихда қайд этилган. Қулчилик тузумида қул барча эгасининг мулки булган, ишлаб қилариш воситалари сингари «нарс» ҳисобланган.

Қаста (португал тилида «уруг», «соф уруг» деган маънони англатади)чилик асосан, Хиндистонда сакланган булиб, ҳар бир қастанинг узига ҳос қонун-қоидалари, урф-одатлари булган ва улар дахлсиз, муқаддас ҳисобланган. Бир қастадан иккинчисига утиш ёки бошқа қастадагиларга уйланиш, турмушга қилиш ҳам деярли таъқиқланган. Уз қастангдаги қизга уйланишинг, қакат ушагина сенинг аёлинг, болангнинг онаси булиши шарт, деб уқтирилади. Қастақчилик анъанасида қасбий фаолият ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ота-бобосининг қасб-қорига савкат ва уни давом эттиришни ҳам муқаддас бурч деб қаралади ва унга риоя қиладилар. Хиндистонда 4 қаста мавжуд: брахман (руҳонийлар), қшатрия (ҳарбий), вайшиш (савдогар), шудра (ишчи-дехқонлар). Хиндистонда 4 мингга яқин асосий булмаган қасталар мавжуд. Шаҳарда синфийликка ҳос аломатлар ривожланаётган булса-да, қишлоқларнинг ундан етти қисмида қастақчилик ҳамон сакланмоқда. Дехқончилик, қорвачилик, ҳунармандчилик қабил соҳаларда ҳам қастақчиликка ҳос урф-одат, тартиблар деярли сакланган. Паст қаста вақиллари юқори қастага мансуб аҳоли қуқаларини тозалаш, уйлариини йигиштириш, соқ олиш, оёқ қийимлар

тозалаш ва хоказо ишлар билан машгул булади. Юкори кастага рухонийлар, уқитувчилар, маънавий ҳаёт раҳбарлари киради. Хар бир каста уз дхармасига (ёзилган ёки таъкикланган конун-қоида, юриш-туриш, ҳулқ-атвор тартибларига) эгадир. Кастачилик конун-қоидалари, урф-одатларни бузиш қатъий ман этилади.

Сословия урта асрда Европада шаклланган ва ривожланган бўлиб, аристократ, дворянлар юкори, рухонийлар эса нисбатан қуйи сословияни ташкил этган. Учинчи сословияга хизматчилар, савдогарлар, эркин дехқонлар, рассомлар кирган. Рицарлик унвони Британияда ҳамон сақланган бўлиб, хизматига қараб пэра унвони берилди ва бу унвонга сазовор бўлганлар умрбод катта имтиёз, мавқега эгадирлар. X-XIII асрларда сословия тизими қуйидагича эди: рухонийлар-дворянлар-деҳқонлар. XIV-XV асрларга келиб юкори сословия – дворянлар - рухонийлар ва қуйи сословия (хунарамандлар, савдогарлар, деҳқонлар)дан ташкил топди. Давлат хизматчилари асосан дворянлардан олинар ва тулдирилар эди. Аристократларга эса юкори лавозимли ҳарбийлар (уларни рицарлар ҳам дейишарди) қирар эди.

Каста, сословияда меросхурилик урф-одат аёнанади катта урин эгаллайди. Хатто ноиктисодий омил (масалан, хиндларда дин ва унинг таъсири) муҳим урин эгаллаши мумкин. Бундан ташқари, шахслар даражасида жаноб ва хизматқор, қул ва ҳужайин, тартиб қоидади, аёнанади мавжуд бўлган. Шундай қилиб, юкори ва қути қатламларда тенгсизликнинг узига ҳос қуриниши, шакллари мавжуд бўлган.

2. Стратификация (ижтимоий табақаланиш) назарияси ва синфлар вужудга қилиши.

Синфлар ижтимоий қатлам ва табақалардан фарқли уларок, ҳуқуқий ва диний конун-қоида ва нормалар асосида эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиш ёки ундан маҳрум бўлиш асосида шаклланади. Шу билан бирга, синфий тузилиш ҳаракатчан жараён бўлиб, улар орасидаги фарқ доимо узғариб туради, жумладан, синфлар уртасидаги никоҳ ҳам деярли чекланмаган. Синфлар асосан одамларнинг катта-катта гуруҳлари уртасидаги иктисодий фарқларга, моддий ресурсларга эгаллик қилиш улар устидан назорат қилиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир. Демак, синфий фарқларнинг бош бугинини мулкка эгаллик ва ундан қеладиған даромад ташкил этади.

Синфларга бўлинишнинг иктисодий омиллардан ташқари бошқа сабабларини ҳам урганиш социологияда муҳим урин эгаллайди. Макс Вебер туғридан-туғри мулк билан боғлиқ бўлмаган бошқа ноиктисодий омиллар мавжуд бўлишлигини қурсатди. Бундай омилларга иш турларига таъсир қилувчи қасбий маҳорат ёки малакали мутахассис қишилар қиради. Масалан, иш бошқарувчилар ёки юкори қасб эгалари «оқ ёқалиқлар» – «қуқ ёқалиқлар» нисбатан қуқ маош олади ва яхши меҳнат шароитига эгадирлар. Юкори даражадаги дипломли, илмий унвонли, малакали қасбқорларнинг «бозори» доимо олқи булади. Шу билан бирга «қуқ ёқалиқлар» орасида ҳам юкори малакали ҳодимлар бўлиб, улар малақаси пастларга нисбатан нафакат қуқ маош оладилар, балки юкори қадрланади.

Макс Вебер синфлар билан бирга ижтимоий қатламларнинг бошқа икки асосий томонини ҳам алоҳида таъкидлайди: улардан бирининг муайян мақомга

(статус) эга булиши бошқасини эса сиёсий партияларга мансублиги билан изоҳлайди. Хар иккала ҳолда ҳам улар бошқалардан фарқ қилувчи муайян мавқе, имтиёзга эга буладилар. Киши қанчалик юқори ижтимоий мавқеи, нуфуз ёки лавозимга эга бўлса унинг жамиятдаги обриси ҳам, бойлиги ҳам шунчалик юқори бўла боради. Масалан, Британияда юқори нуфузлиларга докторлар ва юристлар қиради. Муайн мавқеи, нуфуз ёки лавозимни эгаллаганлар билан унга эриша олмаганлар уртасидаги чегаралар синфий фарқларга боғлиқ бўлмаган ҳолда тез-тез алмашиб туради. Агар синфлар асосан мулк ва даромад билан боғлиқ иқтисодий омилларга таянса, статус (мақом) эса жамиятда тутган мавқеи, нуфузи, касбий, сиёсий омиллар билан белгиланади. Масалан, сиёсий партиялар ҳозирги замон цивилизацияли жамиятларда сиёсий ҳокимиятнинг муҳим бугини ҳисобланади. Партия орқали эгаллаган лавозимлар, яъни ҳокимиятдан бойлиқ орттириш, мулк эгаси бўлишда фойдаланиши мумкин. Бу ҳол собиқ Совет даврида ҳам мавжуд эди, аммо очик баён этиш таъқиқланарди.

Шундай қилиб, М.Вебер синфийлик билан бирга стратификациянинг (табақаланиш) бошқа турлари ҳам одамларнинг иқтисодий ҳаётига қучли таъсир қилиши мумкинлигини қурсатди. У тенгсизликнинг уч компонентиға алоҳида эътиборни қаратди.

Биринчиси, мулкӣ тенгсизлик. Бойлиқ маош ва яшаш воситасига нисбатан қаттарокдир. Бойлар мавжуд мулки, капитал сарфлаши, акцияси ҳисобидан ҳам қатта фойда олади. Улар оддий ишчи, деҳқоннинг даромад ва фойда олишдан қура тенгсиз имкониятга эгадир.

Иккинчиси, бир гуруҳ одамлар жамиятда маълум нуфузи, ҳурмати орқасидан қатта фойдаланади ва қушимча имтиёзга эга булади. Кишининг мақоми (нуфузи) нафакат туплаган бойлиқ билан, шу билан бирга эришган обриси билан ҳам улчанади. Масалан, йилига 40 минг доллар маош олувчи коллеж профессоридан қура руҳонийлар, давлатнинг қатта хизматчиси жамиятда қатта мавқеи, имтиёзга эга булади.

Учинчиси, бойлиқ ва обру туфайли ҳокимиятга эришиш мумкинлиги ва бундан бойлиқ орттиришда янада қатта имкониятга эга бўлиш, шубҳасиздир. Шундай қилиб, ҳокимиятда юқори лавозимли одамлар турли хил йуллар билан бойлиқ туплаш ва орттиришда қатта имкониятга эга буладилар.

Н.Дж.Смелзер узининг «Социология» дарслигида синфлар ва тенгсизлик ҳақида қуйидагиларни ёзади: тенгсизлик бу шундай шароитки, бунда бир гуруҳ одамлар ижтимоий бойлиқлар – пул, ҳокимият, қатта мулк эгаси, ҳурмат, нуфузга эга бўлиб, ундан фойдаланишда тенгсиз имкониятга эгадир. Жамиятда эгаллаган иқтисодий, ижтимоий аҳволига қура улар уз навбатида таъсирли сиёсий гуруҳ ҳам бўла оладилар.

Тенгсизлик турли жамиятда турлича намоён булади. Аграр жамиятда индустриал жамиятга нисбатан тенгсизлик қупрокдир. Э.Дюркгейм 1893 йилда ёзган «Жамиятда ижтимоий меҳнат тақсимоти» асарида тенгсизликнинг қелиб қикиши одамларнинг фаолият турлари билан боғлиқлигини қурсатади. Баъзи жамиятда дин арбоблари, баъзисида эса моддий бойлиқ эгаси юқори баҳоланади. Жамиятда паст баланд (иерархия) мавқелар дин, қонун, оила, меҳнат қабил ижтимоий институтларнинг қадрланишига қараб ҳам белгиланади. Ривожланган мамлакатларда уқимишли қишилар, инженер, шифокор, юрист қабил қасблар юқори

мавкеига эга булади. Шу билан бирга технология билан боглик кадрлар юкори бахоланади. Албатта, бу жамиятларда хукмдорлар хам катта мавкига эга булиб, улар кушимча бойликларни кулга киритиш имкониятига эга буладилар.

Хозирги замонда синфий фаркларнинг таъсири кескин булмаса-да хамон мухим ва сезиларлидир. Синфларнинг куйи ва юкори катлами мавжуд экан, улар уртасидаги зиддият, хатто карама каршиликлар пайдо булиши эхтимоли хам истисно этилмайди. Лекин бу «аномалия», «дохий»ларнинг синфлар хакида илгари сурган акидапарастлик назарияси даражасида эмас. Чунки, кишиларнинг кайси табака, катлам, гурух, синфларга мансублигидан катъий назар, барчаси уша давлатда яшовчи миллатнинг асосий вакилларидир ва унинг багрида фаолият курсатади. Шунинг учун миллий манфаатлар хар кандай синфий манфаатлардан устундир.

Синфларнинг иктисодий, ижтимоий, сиёсий ахволи, нуфузи доимо узгариб туради. Ривожланган мамлакатларда моддий тенгсизликнинг тобора камайиб бориш тенденцияси кузга ташланмокда. Бунда солик тизими алохида урин эгалламокда. Солик тизими тенгсизликлар чегарасининг оралигини маълум даражада камайтириш имкониятини яратмокда. Таълим турларининг ривожланиши хам бу сохага уз ижобий таъсирини утказмокда.

Мураккаб жамиятда хокимият деярли институтлашган яъни муайян тартибдаги шаклга кирган, хукукий макомга эга, конун ва анъаналар асосида фаолият курсатади. Бозор иктисодий муносабати ижтимоий ва шахсий бойликка йул очади. Бу уз навбатида хокимиятга эришув имкониятини янада кенгайтиради. Сиёсий, иктисодий, диний хокимият эгалари элита хисобланиб, улар давлатнинг ички ва ташки сиёсатини белгилашда катта имкониятга эга булади. Мураккаб жамиятда касб, лавозим, машгулот тури моддий бойлик каби юкори бахоланади, хурматга сазовор булади, яъни касбий махорат алохида урин эгаллайди.

Капитализм хакидаги марксча таълимот бойлик озчиликда тупланаверади, кашшоклик эса купчиликда сакланиб колаверади, ишчининг турмуш даражаси узгармайди, деган акида хаётга бир томонлама караш эди. Албатта, даромадлар тенгсизлиги табиий равишда мавжуд булади. Аммо бунга хам бир томонлама караб булмайди. Даромад купчилик ахолида нихоятда паст булиб колаверади, бойлик эса озчиликда доимий тупланиб бораверади, деган фикр ривожланган мамлакатлар тажрибасида узини окламади. Бу мамлакатларда ахолининг купчилик кисми моддий жихатдан яхши таъминланмокда. Давлат орттириш, яъни бойлик туплашда индивид эга булган барча мулк шакллари (акция, жамгариш, уй, ер, фабрика, завод, магазин бошкча айтганда нима сотиш мумкин булса...) маош ёки капитал маблаг сарфларидан келган пул фойда (дивиденди) катта роль уйнамокда. Гарб мамлакатларида кейинги юз йилда купчилик ишловчиларнинг даромади анча усганлиги кайд килинди. Хатто «кук ёкаликлар» даромади янада курок булди. Мехнат унумдорлиги ва технология хизмат сохасидаги даромад улушини янада оширди. Бу эса ахоли турмуш фаровонлигига янада ижобий таъсир этмокда. Лекин бу жараён тенгсизликни истисно этмайди.

Аммо биз бойлардан кура камбагаллар хаётини купрок биламиз, деб ёзади, Э. Гидденс. Британияда бир фоиз «юкори» бошликлар барча шахсий бойликларнинг 21 фоизига эгадир. Миллий бойликнинг факат учдан бир кисми ахолининг ихтиёридадир. Акция, облигацияга эгалик килишдаги тенгсизлик бойликка эгалик

килишдагидан ҳам купрокдир. Британияда бир фоиз «юкори» рахбарлар хусусий корпорациянинг 75 фоизи акциясига эга. Британияда 1985 йилдаги маълумотга кура 50 фоиз «бошликлар» умумий даромаднинг 42 фоизи; аҳолининг 50 фоизини ташкил этувчи куйи катлам вакиллари эса даромаднинг факат 5 фоизини олади. Бойликка, айникса, капиталга эга булганлар бой синф сифатида бошкалардан фарк килиши табиийдир.

XVIII-XIX асрлардаги саноат революцияси феодал муносабатларни емирди ва жамиятда синфий тузилишнинг янги куруниши ва даражасига йул очди. «Синф» тушунчаси Европада асосан, XVIII асрда пайдо булди. Синфий жамиятда одамларнинг турли табака, катлам, гурухга ажралиши бир мунча мураккаб кечди. Кулчилик, кастачилик, сословия даврида одамлар узларининг жамиятда тутган урнини аник биларди. Чунки бу дин, анъана, урф-одат, хатто конун йули билан аник курсатилган эди. Синфий жамиятда одамларнинг жамиятда тутган мавкеини асосан даромад ва бойлик микдори ва даражаси оркали аниклаш мумкин. Ричард Сектерсом сайловчиларга таркатган суровномада 1949 йил АКШда учта синф: олий, урта ва куйи синф курсатилган булиб, респондентларнинг 80 фоизи узини урта синфга киритишини маъкул курдилар.

Асримизнинг 40 йилларида «Форчун» (АКШ) журнали утказган тадкикотда ҳам америкаликларнинг 80 фоизи урта синфга мансублиги таъкидланган эди. Бу билан Америка урта синфлар жамияти, деб бахоланди. «Форчун» журнали тадкикотида юкори-урта-куйи синфгина курсатилган эди. Юкоридаги саволларга кушимча яна бир – «ишчи синфини» кушганда манзара бутунлай узгарди. 50 фоиз америкаликлар узларини ишчилар синфи тоифасига кушди.

Тадкикотлар одамларнинг «куйи синф» тоифасига нисбатан ёмон назар билан карашлигини курсатди. У ёки бу оиланинг даромади ишчилар синфи даромадига тугри келган булса-да, узларини урта синф тоифасига киритишни афзал курди. 1983 йилда Мэри Роберт Джекман тузган суровномада курсатилган камбагал, ишчи, урта, урта олий, олий синф даражасида утказган тадкикоти натижаларига кура 8 фоиз камбагал, 37 фоиз ишчи, 43 фоиз урта, 8 фоиз урта олий, бир фоизни эса олий синф категориясига киритди. Суровномада катнашганларнинг факат 3 фоизи узини юкоридаги 5 табакадан биронтасига ҳам киритмади ёки узларини уларга ухшатмади, тенглаштирмади. Масалан, бизнес рахбарлари, шифокор, хукукшунослар узларини урта олий ёки олийга мансуб, деб хисоблайдилар.

1964 йилда Дональд Трейман Америкада синфларга мансублик масаласида тадкикот утказди. Суровномаларга – Агар сиздан ижтимоий мавкеингизни (ахволингиз) аниклаш максадида куйидагича суралса: «куйи синф, урта синф, юкори урта синф, олий синф, ишчи синф» унда кайси бирига мансублигингизни белгилар эдингиз, деган суровга 60 фоиз америкаликлар узларини урта синфга мансублигини магурурик билан таъкидлаганлар.

Бу тадкикотлар хар кандай миллат вакилида ор-номус туйгусининг накарар кучли эканлигини яна бир бор исботлади. Шунинг учун социолог тадкикот жараёнида одамларнинг нозик рухий холларни, яъни, уларнинг у ёки бу ижтимоий ходисаларга булган муносабатда психологияси, рухиятини эътибордан четда колдирмаслиги керак.

3. Ўрта синф ва унинг жамият ҳаётидаги рўли.

Бугун Америкада 4 асосий синф: олий, урта, ишчи, куйи мавжуд. 1947 ва 1987 йилларда утказилган тадқиқотларда олий синфга одамларнинг 3 ва 4, урта синфга -43 ва 47, ишчи синфга -51 ва 43, куйи синфга бир ва 5 фоизи мансублиги аниқланган. «Форбс» журнали тузган руйхатга кура Америкада 400 киши энг бой одамлар (бойлиги 200 миллион доллардан кам бўлмаганлар) ҳисобланади. Америкада куйи синф тоифасига кирувчилар ҳам купчиликни ташкил этади. 1990 йил маълумотига кура, 32 миллион америкалик ёки аҳолининг 14 фоизи камбағаллик даражасида ҳаёт кечираётганлиги таъкидланган. Уларнинг йиллик уртача даромади 6024 ёки 9435 доллар. Бир оилага тугри келадиган даромад бўйича кабагаллар сафида бир қисм ишчилар ҳам мавжуд. Ишчилар синфининг юқори малакали қисми эса урта синф тоифасига мансубдир.

Ижтимоий табақалишнинг америкача қуриниши ва ижтимоий мақоми (статус) классификацияси.

Олий статус гуруҳи

Энг олий синф

- Умуммиллий корпорациялар бош бошқармаси;
- Йирик ҳуқуқий фирма эгалари;
- Олий ҳарбий лавозимлар;
- Федерал судья;
- Биржевик;
- Архиепископ;
- Тиббиёт юлдузлари;
- Йирик меъморлар.

Иккинчи статус гуруҳи

Олий синф

- Урта фирмалар бош бошқармаси;
- Инженер – механиклар;
- Газета нашриётлари;
- Хусусий амалиётдаги шифокорлар;
- Амалий ҳуқуқшунослар;
- Колледж уқитувчилари.

Учинчи статус гуруҳи

Юқори урта синф

- Банк хизматкорлари;
- Муниципалитет колледжлар уқитувчиси;
- Урта звено бошқарувчилари;
- Урта мактаб уқитувчилари.

Туртинчи статус гуруҳи

Урта синф

- Бошланғич синф уқитувчилари;
- Корхоналар смена бошликлари;
- Страховой компания хизматчилари;
- Универсам бошқарувчилари;

- Малакали дурадгорлар.

Бешинчи статус гурухи

Куйи урта синф

- Автомеханиклар;
- Сартарошлар;
- Бакалея бармен сотувчиси;
- Жисмоний меҳнат билан банд малакали ишчи;
- Меҳмонхона хизматчилари;
- Алока-почта хизматчилари;
- Полициячилар;
- Юк-машина бошқарувчилари.

Олтинчи статус гурухи

Урта куйи синф

- Такси бошқарувчилари;
- Урта малакали ишчи;
- Бензин тулдирувчилар;
- Официант;
- Швейцар.

Еттинчи статус гурухи

Энг куйи синф

- Идиш-товок ювувчи;
- Уй хизматкорлари;
- Богбон;
- Шахтёр;
- Коровул;
- Ахлат ташувчи;
- Дарвозабон.

Шундай қилиб, АКШда урта синф аҳоли 60 фоиздан купроғини ташкил этади. Бу хайрон қоладиган ижтимоий ҳодиса эмас. Бу курсаткич ривожланган мамлакатларга хос ҳодисадир. Уларнинг баъзи фарқларига қарамай урта синфнинг улуши 55-60 фоизни ташкил этади. Ижтимоий зинапояда урта синф элита («юкори») ва ишчи ёки ижтимоий «қуйи» қатлам уртасида туради. Жамиятда улар мавқеининг тобора ошиб бориши кузатилаётган.

Кул меҳнатининг қисқариб ва ақлий меҳнат ҳиссасининг тобора ошиб бориши (саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам) табиий-тарихий жараёндир. Уз навбатида ишчи ва деҳқонларнинг сони тобора қамайиб бормоқда. Америкада қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлар аҳолининг 3-4 фоизини ташкил этади. Улар муқтабил бой фермер сифатида анъанавий деҳқонлардан тубдан фарқ қилади. 1950 йилдан 1990 йилгача Америкаликларнинг даромади икки марта ошди. Аҳолининг харид қобилияти ҳам қўлайди. Маданий ҳордиқ чиқариш, дам олиш имконияти ҳам тобора кенгаймоқда. Фақат меҳнат билан банд бўлиш, ҳаёт кечириш тобора утмишга айланмоқда. Унинг урнини купрок маданий дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, яъни умумфаровонлик жамияти эгалламоқда.

Урта синф жамият тараққиётида қатта мавқеини эгалламоқда. У жамиятнинг узига хос умуртка суяғи бўлиб, тинчлик, осойишталик, барқарорлик омилдир.

Урта синфга иктисодий жихатдан мустикал булган, яъни, корхона эгалари ёки юкори касбли ва олий маълумотлилар жумладан, олимлар, рухонийлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, урта менежерлар, банкирлар ва ишбилармонлар киради. Худди шу тоифа жамиятнинг устунини ташкил этади. Тарихий тажриба кайси жамиятда урта синф шаклланмаса, у жамият баркарор була олмайди. Германияда кичик ва урта бизнеснинг иктисоддаги улуши 65 фоиз, АКШда 52 фоиз, Японияда 50 фоиздан купрогини ташкил этади. Европа Иттифокига аъзо булган мамлакатларда кичик ва урта бизнес улуши 67 фоиз ташкил этади. Европа Иттифокида кичик ва урта бизнесда аҳолининг 70 фоизи, Японияда эса 80 фоизи бандир.

4. Ўзбекистонда ижтимоий табакаланиш жараёни.

Ўзбекистонда ҳам ижтимоий табакаланиш жараёни хусусий мулкчиликнинг устувор ривожланиши негизда содир булмокда. Мулкдорлар синфини шакллантириш, урта, кичик тадбиркорлик, ишбилармонликни ривожлантиришга катта эътибор берилмокда, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хозир юртимизда 190 мингдан ортик урта ва кичик корхона фаолият курсатмокда. Иктисоднинг бу бугинида 3 млн. аҳоли банд. Ўзбекистон келажакда урта синф шаклланиш даражаси соҳасида ҳам ривожланган мамлакатлар каторидан жой олиши мукаррардир. Бу эса уз навбатида жамиятнинг умуртка погонаси ва устун булмиш урта синфнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келиши табиийдир.

Ижтимоий катламлар назариясида ижтимоий ҳаракатчанлик муҳим урин эгаллайди. Ижтимоий катламлар уртасида доимо узгариш содир булиб туради, яъни мавкеи юкори кутарилиш ёки пастга тушиш (мулкий жихатдан ҳам, нуфуз, имтиёз жихатдан ҳам) жараёни кечади. Гарб социологиясида вертикал (юкорилашиш), горизонтал (ётик) ҳаракати эса бир хил мавкеи, нуфуздагиларнинг турли хил жойда (шаҳардами, кишлокдами, у ёки бу улка, вилоятдами) айна шу мавкеи, нуфузда фаолият курсатишини ёки айнан шу ижтимоий позицияни эгаллашини таъкидланади. Масалан, бир шаҳарда яшаб, бошқа шаҳардаги фирмага бошлик булиш мумкинлигини билдиради.

Ҳокимият ходими ва бойлик эгаларининг мавкеи ҳамма вақт баланд булади ва улар куп нарсага эришишга кодирдирлар. Ҳокимиятда у ёки бу мансаб, лавозим, амални эгаллаш бойлик ориттиришнинг манбаига айланиши мумкинлиги ҳам Гарб социологиясида чуқур урганилган.

Машғур футуролог Алвин Тоффлер фан, техника, технологиянинг ривожланиши, жумладан, компьютер ва интернет тизимининг ривожланиши жамият ижтимоий тузилишига ҳам таъсир этаётганлигини кайд этади. Унинг фикрича жамият ижтимоий тузилиши мулкчилик муносабат шаклларига эмас, балки интеллектуал малака, интеллектуал технологияга канчалик якин булишига асосланган структуравий табака пайдо булмокда. Бу табакани у Когнитариат деб атади.

Стратификация назариясида камбағаллик тушунчаси ҳам муҳим урин эгаллайди. Камбағаллик тенгсизликнинг бир тури, куриниши булиб, бу тоифага асосан тирикчилик учун жисмоний яшаш ва узини омон саклаб қолиш учун зарур булган маълум микдордаги озик-овкат ва бошпанага эга булиш тушунилади. Лекин

унинг минимал миқдори аҳолининг бу катлами талабларини қондира олмайди. Камбагалликни белгилашда даромад асосий мезон сифатида фойдаланилади. Англиялик социолог Питер Таусенд 1979 йилда утказган тадқиқотларида «камбагаллик» тушунчасига аҳолининг иқтисодий ночор қисми, турмуш шароитини нормаллаштириш учун зарур бўлган миқдордаги ресурсларни деярли етишмаслигидадир, деб тушунтиради. Аслида нормал ҳаёт кечириш учун зарур бўлган миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жойининг етишмаслиги, харид қобилиятининг нисбатда пастлиги, уқиш, дам олиш, хордиқ чиқариш имкониятига эга бўлмаслик каби ҳоллар камбагалчиликнинг асосий белгиларидир.

Тадқиқотчи бугун қим камбагал, деган саволга одамларнинг қуйидаги тоифа ва гуруҳларини қиритади: тула иш билан таъминланмаганлар, кексалар, ногиронлар, беморлар, қўп болалик отасиз оилалар ва ҳоказо. Нима учун камбагаллар ҳамон камбагал, деган муаммо ҳам жамоатчиликни ташвишлантиради. Масалан, Британияда нисбий камбагалликнинг улуши қисқармаётганлиги, камбагал тоифага қиравчиларнинг тўртдан бир қисми ишласада аммо бойимаётганлигини қўзатишмоқда. Бой бўлишда авлоддан авлодга утадиган мерос ҳам муҳимдир. Шунинг учун ҳам Англияда бой бўлиб яшамок учун бой бўлиб тугилмоқ дарқор, деган нақл беҳуда пайдо бўлмаган.

Швецияда эса манзара бутунлай бошқача. Бу мамлакатда деярли камбагаллар йўқ. Давлат шундай ижтимоий сиёсат юргизадики, натижада бу салбий ҳодисанинг оммалашишига ёки қенг ёйилишига йўл қўймайди. Бунда одилон ва оқилон солиқ тизими ҳамда давлат бюрократиясининг тобора қисқариб бориши ва тушган даромад халқ фаровонлигига аниқ йўналтирилиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу мамлакатда бойлик ва даромадни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий йўналтирилган намунали модели - даромадларни оқилон тақсимлаш ижтимоий сиёсатнинг муҳим характерли хусусиятидир.

Жамиятнинг ижтимоий табақаланиши ҳақида фикр юритар эканмиз, синфлар, табақа, катлам, гуруҳларга ҳос онг, қараш, фикрлар мавжудлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Демак, синфий фарқларнинг англаш ва англамасликдан қатъий назар, синфий онг ҳам мавжуддир, реалдир. Синфий онгнинг даражаси турли хил тарихий шароитларда, ҷумладан, давлатларда турли турлича намоён бўлади.

Шундай қилиб, синфлар узининг иқтисодий имониятлари, мавқеи ҳамда турмуш тарзи билан бир-биридан фарқ қиладиган одамларнинг катта-катта гуруҳидир. Синфлар ҳам бир неча гуруҳга: юқори, урта ва қуйи табақаларга бўлинади. Юқори синфларга ишлаб қиқариш воситалари, ресурсларини уз қўлида сакловчи, уни назорат қилувчи бойлар, йирик қорхона эгалари, бошлиқлар қиради. Урта синфга асосан юқори қасб эгалари қиради. Улар жамиятда муайян обрў, мавқеига эгадирлар. Уларни Ғарбда «оқ ёқалиқлар» ҳам дейишади. Қуйи синфга асосан малақаси паст, қўпроқ қўл меҳнати ва қишлоқ ҳўжалигида банд бўлган ишчи, дехқонлар қиради. Уларни баъзида «қўқ ёқалиқлар» ҳам дейишади. Қези қелганда, қуйидаги ҳолни ҳам таъқидлаш жоиздир. Масалан, ишчиларнинг узи ҳам юқори, урта ва қуйи катламларга бўлинади. Юқорида қелтирилган фикрлар табақаланиш қараёни Ғарб социологиясида яхши урганганлигини қўрсатади. Минг афсўски, совет даврида синфий муносабатлар қараёни реал тадқиқ қилинмади, урганганмади. Бу қараёнга мафқуравий, сиёсий, субъектив усўлда

ёндашилди. Эндиликда синфлар ва синфий муносабатлар хакидаги тушунча ва акидаларимизга янгича тафаккур билан ёндашилмокда.

Ўзбекистонда бозор иктисодий муносабатларига мувофик янги ижтимоий-синфий тузилма шаклланмокда. Бу тузилмада мулкдорлар синфини шакллантиришга катта эътибор каратилмокда.

Жамият ижтимоий тузилиши, бу жамиятнинг нафакат ижтимоий гурух, синф, табака, катламларига булиниши, шу билан бирга уларнинг хилма-хил фаолиятида содир буладиган узгариш ва унинг окибатлари хакида шу билан бирга улар уртасидаги узаро алока ва муносабат, бир-бирига таъсири каби жараёнлар билан бирга бошка ижтимоий-тарихий бирлик – миллий, этник, демографик гурухларни хам уз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Тошкент, 1999.
2. Зиммель Социальная дифференциация. Западная европейская социология XIX – начала XX веков. Москва 1996, 389- 414.
3. Энтони Гидденс. Стратификация и классовая структура. Социология Москва. 2002.
4. Н.Дж.Смелзер. Неравенство, стратификация и класс. //Социологические исследования. 1992 № 4, 79-91 бетлар;
5. Сорокин П.А. Социальная стратификация и мобильность.// Человек. Цивилизация. Общество. М.1992.
6. Шри Шримад, А.Ч.Бхонтиведанта, Свалли Прабхунада. Наука самосознания. Бхантиведанта Бук Траст. 1991. 136-140 бетлар.
7. Э.А.Капитонов. Социология XX века. История и технология. Ростов– на–Дону 1996, 107 бет.
8. Халк сузи. 2001 йил 18 июл.
9. А.И. Ракитов. Философия компьютерной революции. М., 1991, 223 бет.
10. Ойбек. «Кутлуг кон» романи. Т., 1966, 252-бет.